


ФОЛЬКЛОРШУНОСЛИК ДАРҒАЛАРИ



УҮК 39(575.1)(091)

КБК 82г(5Ү)

Ф 81

Масъул мұхаррир:

Шомирза ТУРДИМОВ – филология ғаллари доктори

Тәкризчилар:

*Жаббор ЭШОНҚУЛОВ – филология ғаллари доктори, профессор
Барно МИРЗАЕВА – филология ғаллари бүйіча фалсафа доктори (PhD)*

Нашрга тайёрловчилар:

*Йұлдош РАХМАТОВ – филология ғаллари намзоды
Мунис ЖҮРАЕВА – филология ғаллари бүйіча фалсафа доктори (PhD)*

Ф 81 Фольклоршунослик дарғалари [Матн]: илмий-адабий мақолалар түплами / Нашрга тайёрловчилар Й.Раҳматов, М. Жұраева. – Т.: “Firdavs-Shoh” нашриёти, 2022 – 352 б.
ISBN 978-9943-7238-2-5

УҮК 39(575.1)(091)
КБК 82г(5Ү)

ISBN 978-9943-7238-2-5

© Й.Раҳматов, М. Жұраева,, 2022
© “Firdavs-Shoh” нашриёти, 2022

МУНДАРИЖА

| | |
|--|-----|
| Йўл карвонсиз, карвон сарбонсиз бўлмас... | 3 |
| НУРЛИ ХОТИРОТ | |
| Шомирза ТУРДИМОВ. Фольклоршуносликнинг уч устуни..... | 8 |
| Иброҳим ҲАҚҚУЛОВ. Илм файзи содиклик ва софликдир | 15 |
| Боқижон ТЎХЛИЕВ. «Бори илм аро, ўйла соҳиб камол...» | 23 |
| Умрзоқ ЖУМАНАЗАРОВ. Бухоролик фольклоршунослар мактабининг теран илдизлари | 29 |
| Раҳматилла БАРАКАЕВ. Қирқ йиллик қадрдонларимни эслаб..... | 33 |
| Дармоной ЎРАЕВА. Ўзбек фольклоршунослигининг бухоролик уч дарғаси ҳақида | 44 |
| Салима МИРЗАЕВА. Бухоронинг уч алп чинори..... | 55 |
| Дилишод РАЖАБОВ. Устоз Охунжон Сафаров ҳақида ҳақиқат | 61 |
| Шоира АХМЕДОВА, Дилнавоз НАЗАРОВА. Тўра Мирзаевнинг ижодий портрети ҳақида | 67 |
| Олимжон ҚАЮМОВ. Маматқул Жўраев ва ўзбек фольклоршунослиги тараққиёти | 71 |
| Лайло ШАРИПОВА. Ҳам таълим, ҳам тарбия берувчи шеърлар..... | 82 |
| Турганбай КЕРУЕНОВ, Огулай ГАЙЛИЕВА. Профессор М. Жўраев – туркий фольклоршунослик етакчиси | 87 |
| Санъат САРИЕВ, Венера АТАХАНОВА. Залворли меҳнатлар самараси | 91 |
| Манзура НАРЗИҚУЛОВА, Барно МИРЗАЕВА. Илм йўлидаги ҳаммаслаклик | 99 |
| Мунис ЖЎРАЕВА. Маматқул Жўраевнинг ўзбек фольклоршунослиги тараққиётида тутган ўрни | 108 |
| Латифа ХУДАЙҚУЛОВА. Ҳаёт мактабига айланган сиймолар..... | 117 |
| Оқибатхон ИСМАНОВА. Ўзбек фольклоршунослигининг фидойи олими | 122 |
| Ойгул АХМЕДОВА. Илмга, ёшлар камолотига сингган умр..... | 128 |

Лайло ШАРИПОВА,
филология фанлари доктори, доцент
Бухоро давлат университети

ҲАМ ТАЪЛИМ, ҲАМ ТАРБИЯ БЕРУВЧИ ШЕЪРЛАР...

Устоз Охунжон Сафаров ҳақиқий олим, бекиёс устоз эдилар – буни күплар биларди. Аммо шеър ёзишларини – «Болалигим қолган күчалар» номли сайланмалари «Мұхаррир» нашриётида чоп бўлганича – ҳамма ҳам билавермасди. «Шоирликка даъвом йўқ, илҳом келганда ёзаманда», – деб қўярдилар. Янги шеърларини шогирдларига, жумладан, менга ҳам ўкиб берардилар. Камтарликларининг бир нишонаси шуки, шеърларини ўкиб бериб, «Қандай чиқибди?!» – дея астойдил фикр кутардилар. «Чиройли шеър бўлибди», – десак болаларча бегуборлик билан кулиб қўйишлари бор эди. Биз китоблари чоп бўлганидан кейин яратилган, яъни тўпламга кирмай қолган туркум шеърларини таҳлил қилишга интилдик...

Устоз болаларга багишлиланган шеър ҳам таълим, ҳам тарбия бериши лозим деб ҳисоблардилар. Ўзлари яратган болаларбоп шеърлар шундай фазилатга эга эди. «Полиз сайли гашти» шеърларини ўкиб, ўқувчи қовуннинг пишган ёки хомлигини билиш учун қовунни чертиб кўриш кераклигини, пишган қовуннинг ичидан ўзига хос овоз чиқишини, пишган қовун чирт этиб дум беришини, қовунни наҳорда ейиш маъқуллигини англайди, айни дамда, шеър оҳангидан дил яйрайди. Шоир пайкал бошида қовун ейилса, хосил баракали бўлишини таъкидлаб, шеърига худоса ясади:

Полизга барака берармиш Аллоҳ
Қовунни пайкалининг бошида есанг.
Қовунчи бобо ҳам яйрап суурурдан
Миннатдор дил билан раҳматлар десанг.

«Қовун сайлига марҳабо» шеърида шоир болаларни қовуннинг уядошлари билан таништиради: қорақандий, шерозий, шакарпалак,

босволди, бекзоди, гулоби, темиртирноқ, кампирчопон, баргиной, амири. Худди шундай «Узумзорни кезганда» шеърида шоир узум навлари билан шеърхонни ошно этади: тойфи, шибирғони, ҳасанак, ҳусайни, беҳишти, келинбармоқ. Узум навларининг ватани ҳакида ҳам бадий йўл билан маълумот берган шеър таълимий жиҳатдан жуда аҳамиятлидир. Зеро, қовун, узум навлари камайиб бораётган, уларнинг номларини ёш авлод чуқур билмаётган паллада бундай шеърнинг яралиши аслида эҳтиёждир. Ўқувчи ўзи билган-билмаган қовун, узум навлари билан танишар экан, зерикмайди. Негаки, шеърдаги ўйноқи оҳанг, юмор руҳи шеърни янада жозибадор қилган:

*Манов қовун шерозийдир,
Кимки еса, зап розидир.
Мановиси – шакарпалак,
Излаб уни жоним ҳалак.
Манов қовун босволдими?
Тил ёриида баҳс солдими?*

Шоирнинг «Қовун сайлига марҳабо», «Тарвуз», «Ҳандалак» каби шеърлари маснавий шаклида қофияланган. Бу ҳол шеър оҳангини янада жозибадор қиласи, кичкинтой шеърхон шеърни тезроқ ёдлашига кўмаклашади. Шоир деярли ҳар бир шеърида тавзеъ – товуш такоридан унумли фойдаланади. Аслида бу ҳол фольклорга хос бадий санъат жозибасининг устоз руҳиятларига сингиб кетганига далилдир:

*Ер шаридай юм-юмалоқ,
юмалар тарвуз,
Полиз аро дум-думалоқ,
думалар тарвуз.
Полизни-чи савлатидан
тўлдирап тарвуз,
Кўрган кўзга имлаб дерки:
– Қара, мени уз!*

Кичкинтой шеърхон тарвуз кўмагида Ер шакли ҳақидаги дастлабки тасаввурга эга бўлади. Устоз болаларга яйраб дарс берадилар, фақат бу дарслар вазнга солинган. «Ошқовоғим – ош қовоқ», «Иштаҳа очар бодринг», «Экинларнинг синори» шундай шеърлардан. «Экинларнинг синори нима?» Шеърнинг номи ёк болалар дикқатини тортади. Помидор Италиядан келганини, помидор дейилганини айтар экан, шоир помидор сероблигини «ҳосил тугасан ғуж-ғуж», «экинларнинг текини» деб изоҳлайди:

Куёш нурин симириб
Рангинг қизил тортганми?
Куёш тафтин шимириб
Таранглигинг ортганми?

О. Сафаров болалар адабиёти, фольклор, жумладан, болалар фольклори тадқиқотчisi бўлганликлари сабабли шеърларида ҳам илмларининг акси-ифодаси бор. «Бодиинг диинг-диинг, Жўражон, қани юринг». Болалар қўшиғига хос оҳанг билан чекланганларида устознинг шеърлари ўқимишли бўлмай қоларди. Шеърларида ритм стилизацияси билан бирга болаларга сабоқ ва руҳий тарбия ҳам бор. «Ошқовоғим – ош қовоқ» шеърларида ошқовоқнинг «пўсти қалин тош қовоқ», «ғумбарак пачоқ қовоқ», «чиноқ қовоқ», «узун бўйли қовоқ», «серрез, сербардош қовоқ» эканлигини маълум қиласидилар. Ўзбек болалар шеъриятида қовоқ ҳақидаги шеърлар саноқли. Умуман, устознинг шеърлари мавзу жиҳатидангина эмас, мазмунига кўра ҳам ўзига хос. Ўкувчи шеърни ўқиб, ошқовоқ меъдани тозалаши, маризни кувиши, ундан шарбат қилинишини, данагини чақиб ейиш мумкинлигини ўрганади.

Тандирий қовоқ бичак,
Есангиз яйрар ичак.
Оғизда эриб кетгай,
Бамисли болли чак-чак.
Қовоқ сомса, нон қовоқ,

Ошқозонга жон қовоқ.
Қовоқ дүлма қайласи
Хүшхүрки чунон, қовоқ.

Үнлаб шеърларида учрагани мисол бу шеърларида ҳам устоз ўзбек тилига хос, аммо кам қўлланадиган сўзларни ўз ўрнида маҳорат билан қўллайдилар. Ошқовоқдан қилинадиган пишириқтаомларни болалар тилига хос ва мос қилиб санайдилар. «Тут ва туруп» шеърлари тез айтиш таъсирида яратилган. Шеърнинг биринчи ва охирги банди тез айтишга ҳамоҳанг:

Бир туп тутнинг томирини
Туруп турад эмиш туртиб.
Бир туп туруп томирини
Тут ҳам туртар эмиш бўртиб.

Аммо устоз таъсир доирасида қолиб кетмаганлар. Шеърнинг қолган бандлари тут ва туруп ҳақидаги ажойиб сатрлардан иборат, шеърнинг баъзи бандлари ўқувчи билимини текширади:

Қани айт-чи, тут ширинми
Ёхуд туруп, айт сирини?
Қай бирини яйраб ейсан,
Палов билан қай бирини?

Қай бири пишар баҳорда
Кузда пишар қайси бири?
Қай бири эрир оғизда,
Кертилади қайси бири?

Устознинг кичкитойларга шеърий сабоқлари талайгина ва улар тақрорланмас. «Қовун ва совун» шеърида «Ёзиш ва ўқишда машқ дарси» эканлиги қайд қилинган. Бошланғич синф ўқитувчisi шеърдан дарс жараёнида фойдаланиши мумкин:
– Қовун ширинми, совун?
– Қо... в...ун.



- Совун ширинми, қовун?
- Қо...в...ун.
- Энди «қовун»дан «Қ»ни,
Хамда «совун»дан «С»ни
Олиб ташла-да, ўқи!
- О...вун!

Ўқувчилар «қовун», «совун» сўзларини такрорламоқдалар, талаффузда ва ёзишда бир товуш билан фарқланишини англайдилар. О. Сафаров илмда ҳозиржавоб эдилар, шеърларида ҳам шу ҳол аксланган. «Хол нима-ю, бол нима?» шеърларига диққат қилинг. Болалар қўшиқлари ритми қулоғингиз остида жаранглайверади. Шеърнинг аҳамиятли жиҳати Холбой билан савол-жавобда яққол кўринади. Шеърий диалогда муаллиф Холбойдан хол, нол, бол, ёл нималигини сўрайди. Боланинг жавобида зукколик ва болаларча юмор бор:

– *Холми, мана юзимда,*
Болми, мана сўзимда.
Ёл тойчогим бўйнида,
Ман онамнинг қўйнида, –
Деб емаган овқатин
Урап-да пакқос дарҳол,
Сўнг косани кўрсатиб
Дерки: – Мана бўлди ноль!

Биз устознинг саноқли шеърларини имкон қадар таҳлил қилдик. Кичкинтойларга аталган саъвияли шеърлар жуда камлигини устоз қайта-қайта таъкидлардилар. Юқорида биз тилга олган шеърлари шу кемтикликни тўлдириш йўлидаги саъй-ҳаракат эди. Бу шеърлар ўзбек болалар шеъриягининг чиройли намуналари дейишимиз мумкин.
